



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХХТ ДИИХБ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) миссияси раҳбари Урсула Гачек билан 3 июль куни бўлиб ўтган учрашувида бўлажак президентлик сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХХТ билан конструктив мулоқот, фаол алмашинулар, очик ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Бюро экспертлари миллий сайлов тизимини модернизация қилишда, шу жумладан, мамлакатимиз Сайлов кодексини ишлаб чиқишда иштирок этган. ЕХХТ ДИИХБ миссияси жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтган Конституция бўйича референдумни кузатишда ҳам қатнашган эди.

Учрашувида умумхалқ овоз бериш жараёнини халқаро стандартларга мувофиқ ўтказишнинг турли жиҳатлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

ДИИХБ миссияси раҳбари Урсула Гачек Янги Ўзбекистондаги орта қайтмас демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлади. Мамлакатимизда шаффоф ва адолатли сайлов ўтказиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қайд этилди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 4 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг видеоанжуман шаклида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Саммит кун тартибига мувофиқ, ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Учрашув якунида ШХТ давлатлари раҳбарлари томонидан иқтисодий ҳамкорлик, рақамли трансформация, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, маданий-гуманитар соҳа ва бошқа устувор йўналишлар бўйича бир қатор қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Ў.А.

## ТУПРОҚҚАЛЪДА ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ



Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айни пайтда Тупроққалъа туманида катта фотоэлектр станциясини қуриш учун тайёргарлик кўрилувчи бўлиб, Бунинг учун 180 гектар ер майдони ажратилди.

Мазкур йўналишда асосий воситалардан бири Қуёш энергиясидир. Энергетика вазирлигининг режасига кўра, 2030 йилга келиб у барча ишлаб чиқаришнинг 17 фоизини ташкил этади. Ўзбекистоннинг биринчи санат фотоэлектр станцияси 2021 йил август ойида Навоий вилоятида ишлаб бошлаган. Кейинроқ Самарқанд вилоятида иккинчи ФЭС ишга туширилди. Ҳозирда ACWA Power, Masdar, Voltalia ва бошқа компаниялар иштирокида яна бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда қуёш панеллари корхоналар ҳамда аҳоли яшаш пунктларига ҳам ўрнатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил июнь ойида фотопанеллар ва қуёш сув иситкичларидан фойдаланишни кенгайтириш, жумла-

дан, уларни харид қилиш учун субсидиялар тўлашни соддалаштириш бўйича топшириқлар берилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш Франциянинг "Voltalia" компаниясига юклатилган. Бу компания 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, қуёш, шамол, гидро ва биомасса энергиясини (сақлаш ечимлари билан биргаликда) электр энергиясига айлантириш ҳамда қайта тикланганидан электр энергияси ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ҳисобланади.

Интеграциялашган компания сифатида "Voltalia" бутун қайта тикланганидан лойиҳа қиймат занжири бўйича катта тажриба ва билимларни тўплаган. Хусусан, лойиҳани ишлаб чиқиш, молиялаштириш, лойиҳалаштириш, таъминот ва қуриш (ЛТК), фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш шулар

жумласидандир. Жамоа 20 мамлакатда фаолият юритиши ҳамда бутун дунё бўйлаб ўз мижозларига хизматларни таклиф қилиши имкониятига эга. 2022 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, "Voltalia" компанияси ишлатган ускуналарнинг қуввати 2,6 ГВт дан ортиқ.

Демак, фотоэлектр станцияси қуриш учун Тупроққалъа туманининг "Нукус" ва "Саримай" аҳоли яшаш пунктлари лойиҳа майдони қилиб белгиланди. Қурилиш ишларини бошлаш учун ҳудудларда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан экологик муҳит сифатини ўлчаш чоралари кўрилди, атмосфера ҳавоси таҳлил қилинди, лаборатория тадқиқотлари учун тупроқ намуналари олинди. Туғмайин сув омборидан сув намунаси олинди. Олиб борилган тадқиқот натижалари барча стандартларга мос келиши аниқланди. Экологик вазият синчиклаб ўрганиб чиқилди. Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнида био хилма-хиллик бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, лойиҳа майдони атраф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, туман экологияси, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Қолаверса, лойиҳа ҳозирги кунда қазилма ёқилғи электр станциялари устунлик қиладиган Ўзбекистоннинг энергия балансини диверсификация қилишга ёрдам беради. Иш ўринларини яратиш ва барқарор энергия таъминоти бундай ижобий таъсирларга мисол бўлади.

Фотоэлектр станцияси ишга тушиши билан Саримай станциясига улашиб, 100 мингта хонадонни электр энергияси билан таъминлайди, - деди лойиҳа бош менежери Акмал Аббасов. - Мазкур лойиҳа 2023 йилнинг охири ва 2024 йилнинг бошларида қурилиш режалаштирилмоқда. 2024 йилнинг ўрталарига келиб, лойиҳанинг биринчи қуввати тармоққа узатилиши, йил охирида эса тўла қувват билан ишга туширилиши кўзда тутилган. Қуёш электр станцияси қурилиш жараёнида 200 нафаргача маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни режалаштирилмоқда. Ушбу фотоэлектр станция ишга тушиши билан 25 нафар мутахассис доимий иш билан таъминланади.

## Мамлакатимизда маданий мерос ҳафталиги бошланди

Шу йилнинг 3-7 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ташаббуси билан бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Ўзбекистон маданий мероси - Янги Ренессанс асоси" маданий мерос ҳафталиги ҳамда "Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат" мавзусидаги халқаро ҳамкорлик ташаббуслари ҳафталиги ўтказилади.

Ушбу тадбирларга дунёнинг 60 га яқин мамлакатлардан юзлаб меҳмонлар ташир буюриши кутилмоқда.

Ҳафта давомида пойтахтимиздаги музейларда Темурийлар даври маданий мероси, халқ амалий санъати дурдоналари, Ўзбекистонда сақланаётган Авангард санъати дурдоналари кўргазмалари ўтказилади. Шунингдек, "Янги Ўзбекистон - барқарор ривожланиш сари", "Қўлай бизнес муҳити", "Соғлом ва билимли жамият", "Сифатли таълим ва инновациялар - барқарор келажак асоси", "Минтақаларни боғловчи кўприк", "Инсон кадри эъзозланганидан диёр" сингари мавзуларда конференция ва давра суҳбатлари, учрашув ва тақдиротлар ўтказилади.

Пойтахтимизда мазкур ҳафталикларнинг очилиши ҳамда Тадбирлар мажмуаси биносининг фойдаланишга топширилиши маросими бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва хорижий ташкилотлар вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, журналистлар иштирок этди.

Маросим аввалида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари ҳақидаги видеоролик намойиш қилинди. Сўзга чиққанлар сўнги йилларда маданият ва санъатни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор хусусида тўхталиб ўтди.

Бугун дунё миқёсида мамлакатлар асосан иқтисодий имкониятлари билан



эмас, кадриятлари, маданияти билан ўзаро беллашапти, - деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев. - Ўзбекистон ҳам ўзининг ташқи сивасида биринчи навбатда маданий салоҳиятига

таянади. Шу орқали юртимиз бугун халқаро миқёсда ўз имижини яратмоқда. Бугун бошланаётган маданий тадбирлар ҳам Ўзбекистон маданияти ва кадриятларини тарғиб этишга қаратилган.

Инсоният учун энг муҳими бу муло-

қотдир, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов. - Юртимизда халқаро даражадаги мулоқотларни таъминлаш маданият маскани ҳам, бошланган маданий тадбирлар ҳам айнан турли давлатлар, халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни таъминлайди, деб умид қиламан.

Бугунги анжуман аввало ижод аҳлини, маданият ва санъат вакилларини жамламоқда, - деди маданият ва туризм вазирлиги Озодбек Назарбеков. - Айни пайтда халқаро даражадаги ҳамкорлик алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Бунда санъатини вакилларининг ҳам муносиб ўрни бор. Бугун очилаётган ҳафталик ана шу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ўзбек маданияти ва санъати шухратини янада кенг ёйишга хизмат қилади.

Биз Янги Ўзбекистонда миллий кино санъати ривожига қаратилаётган эътибордан миннатдормиз, - деди Кинема-

тография агентлиги директори Фирдавс Абдухаликов Ў.А. мухбирига. - Айниқса, халқаро андозаларга мос равишда, янги ижодий лойиҳалар тақдимотини ўтказишга маълум қўшниқларни қўшиб, тадбирлар мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилиши ана шу юксак эътиборнинг ёрқин далили бўла олади.

Ҳамма нарсани вақт ҳал қилади, дейишади, - деди Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев. - Бир пайтлар бундай йирик санъат қошоналарини орзу қилишимиз мумкин эди, холос. Бугун ана шу орзулар амалга ошмоқда. Юртимизда барча соҳалар қатори, маданий-маърифий йўналишда ҳам кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз кундан-кунга чирой очиб, янгидан-янги иморатлар, маданий-маърифий муассасалар бунёд этилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон бир қатор халқаро маданий тадбирларга мезбонлик қилмоқда. Хусусан, мақом, бахшичилик, хунармандчилик анжуманлари, Тошкент Халқаро кинофестивали шулар жумласидан.

Тантанали маросим давомида байрам сайли, кўргазмали чиқишлар, дилрабо куй-қўшиқлар, кўнгуллар томошалар иштирокчиларни мамнун этди.

# Аҳолини сув билан таъминланиш даражаси ортимоқда

Зиё СИРОЖ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги йилларда республикамизда ҳар бир соҳада ўзига хос бурилиш даври ясалди. Ҳукуматимиз, айниқса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон манфаатларига, қадр-қимматига бўлган эътибор юксалди. "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Ташаббусли бюджет" каби лойиҳалар орқали маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари янада жонлантирилди. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига маҳаллаларда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қўлланилдики, бунинг натижасида энг чекка туманларда ҳам ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Аслини олганда, инсонга яхши яшаш учун кўп нарса керак эмас. Энг аввало, кундалик эҳтиёжлари қондирилишининг ўзи кифоя. Жумладан, электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик суви, йўл, таълим ва тиббиёт соҳасидаги муаммоларнинг бартараф этилиши турмуш шароитини яхшилашнинг дастлабки босқичларидир. Шу боис республикамизда ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, ислоҳ қилиш, замонавий лойиҳаларни жалб этиш орқали янги босқичга олиб киришга эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, янги қадам билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилди. Бу борада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадига йўналтирилган ишлар кўлами ҳам ҳар доимидан ортди. Оқдид мисол, бундан атиги беш-олти йил муқаддам Андижон вилоятининг сувлашганлик даражаси 67 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 86,9 фоиздан иборат.

– 2017 – 2022 йиллар "Андижон сув таъминоти" МЧЖ учун энг шиддатли даврга айланди, – деди "Андижон сув таъминоти" МЧЖ директори Шухратбек Матмушев. – Сабаби, мана шу йиллар давомида барча манбаалар ҳисобидан 917 миллион сўм маблағ ҳисобига 3 минг 961 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, 814 та сув иншоотида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида 588 минг нафар ҳамюртимиз илк бор ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 986 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Марҳамат тумани бундан атиги 6 йил муқаддам, нафақат Андижон вилоятининг, балки республикамизнинг сув таъминоти



ти энг оғир ҳудудларидан бири бўлган. Боиси, 2017 йилда туманининг сувлашганлик даражаси 42,1 фоизни ташкил этиб, аҳолининг яримдан кўпиди сув муаммоси мавжуд эди. Тўғри, ичимлик суви етиб бормаган маҳаллаларга "Андижон сув таъминоти" МЧЖ томонидан махсус сув ташувчи автомашиналар орқали ичимлик суви етказиб берилган. Бироқ "Қўлдан берилган қуш тўймак" деганларидек, бу аҳолининг кунлик талабини қондиришда ечим бўла олмайди. Ҳукуматимиз ташаббуси билан манзилда сув бунёдкорлиги ишларига киришилган, аҳолининг озу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Бунинг учун туманда 75 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 342 километр ичимлик суви тармоғи тортилиб, 35 зона сув иншоотини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

– Зар қадрини заргар билади, деганларидек, сувга ташналик нимаалигини ўз вақтида оби ҳаётга эҳтиёжманд бўлганлар яхши билади, – деди тумандаги "Бо-бохуросон" МФИ раиси Тавваккалжон Шомуродов. – Бир пайтлар олис масофадан сув ташиб келишимизга тўғри келган. Аридаги суви ичган пайтларимиз ҳам

бўлган. Мана, 2016 йилдан буён кўчаларимизда босқичма-босқич қувур тортиш, мавжуд сув иншоотини таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозирга келиб, ҳар бир хонадонга сув жўмраклари ўрнатилган. Маҳалламиз юз фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Жалақудуқ туманининг номи гарчи сув билан боғлиқ бўлсада, бироқ ичимлик суви таъминотида муаммолардан холи эмас эди. Ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг қарийб, 25-30 йиллик муаммолари ижобий ечим топди. Ҳозирда таъминланган даражаси 58,1 фоиздан 82,4 фоизга етказилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон кадр-қиммати билан эътибор ифодасидир. Бунинг натижасида 30 йилдан буён тоза ичимлик суви муаммоси гирдобда қолган "Янги сор" МФИ аҳолиси амалга оширилган сув бунёдкорлигидан ниҳоятда мамнунлар. Боиси, ҳудуднинг салкам 5 минг нафар аҳолиси тўлиқ сув билан таъминланди. Мавжуд 11 та кўчада жойлашган 910 та хонадоннинг ҳар бирига сув жўмраклари ўрнатилди.

– Атиги бир йил олдин ҳам маҳалламизда сув бўлмаганлиги боис ер ости сувидан фойдаланишимизга тўғри келган, – деди шу манзилда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Неъмат ака Аҳмадалиев. – Афсуски, бу сув истеъмолга яроқсиз бўлиб, турли қўлбола мосламалар орқали тортиб олардик. Таркибида инсон соғлиги учун зарарли бўлган моддалар мавжудлиги боис, буйрак билан боғлиқ касалликлар келиб чиққанлиги ҳам рост. Ҳозир эса шароитимиз бошқача! Тоза ичимлик сувининг таъми барибир яхшида! Яратилган шароитларни кўриб, сув қурилиш ишларига бош-қош бўлганларни, қурувчиларни дуо қилиб ўтирибмиз.

Тан олиш керак, нафақат туманларда, ҳатто вилоят маркази бўлиш Андижон шаҳрида ҳам тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди. Айтиш жоиз, ушбу ҳудуд вилоятдаги энг истеъмолчилар кўп манзил ҳисобланади. Бу эса "Андижон сув таъминоти" МЧЖдан хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш билан бир қаторда худудни сувлаштириш ишларини ҳам кўнгилдагидек амалга оширишни тақозо этади. Айниқса, сўнгги йилларда 53 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 107 минг нафар ҳамюртимизнинг хизмат кўрсатиш сифати янада яхшилانганлиги қувонарли, албатта. Бундан табиийки, истеъмолчилар миннатдор!

– Авваллари жуда қийналганмиз, – деди "Уйғур" МФИдаги "Ободлик" кўчасининг 11-уйида истиқомат қилувчи Саидхон Ибрагимов. – Айниқса, ёз фасли келди, дегунча, сув бўлмас эди. Ҳўжали ишлари учун ариқдаги сувдан фойдалансақ, истеъмол учун дўкандан сотиб олишимизга тўғри келарди. Айрим қишлоқлардаги сув таъминотини қуриб, ҳавас қилган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугунги кунга келиб, сув ташиб келишлар ортда қолди. Шундоқки уйимизнинг ичига сув жўмраклари ўрнатилди. 24 соат давомида таъминот узилмайди. Шароит яхши бўлганлиги боис фойдаланилган ичимлик суви учун тўловни ҳам оғринмай, ўз вақтида тўлаб бораемиз.

Андижон вилоятда бу каби саъй-ҳаракатлар бир сония бўлсин тўхтагани йўқ. Эро, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш орқали мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини тубдан ўзгарттириш мумкин. Шу боис, хайрли ишлар келгусида янада кен миқёсда амалга оширилиши кўзда тутилган.

# Кўкдалада ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР фойдаланишга топширилди

Шухрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган янги туманда бир йил ичида тасаввурга сиғмас даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу қурилишлар, ободончиликларнинг давоми сифатида адлия, кадастр ва солиқ бўлимлари бинолари ҳамда "Манавият маркази" билан бирга замонавий Спорт саройи ҳам фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган очилиш маросимида вилоят ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот вакиллари, ёшлар ва нурунийлар иштирок этишди.

Дастлаб, Давлат хизматлари марказининг янги биноси очилиши бўлиб ўтди. Ишга тушган янги бинода фуқаролар эндиликда 250 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин. Марказда 12 та давлат хизмати кўрсатиш учун қабул ойнасидан ташқари, электрон навбат, кутиш манзили, 4 та монитор, тўлов амалга ошириш учун касса, болалар майдончаси, китоб жавони, мажлислар хонаси мавжуд. Шунингдек, адлия хизмати кўрсатиш учун алоҳида ҳудуд, архив маълумотлари сақлаш хоналари, юридик хизмат кўрсатиш маркази, ФХДБ бўлимлари ҳамда нотариус фаолият кўрсатади.

Қарийб 6,5 млрд сўмга яқин маблағ ҳисобига қурилган мазкур бино 2 қаватдан иборат бўлиб, замонавийлик ва миллийликни ўзига акс эттирган.

Кейинги объект Давлат кадастр палатаси Кўкдала тумани филиалининг янги ва замонавий биносидир. Қисқа муддатда бунёд этилган бинода жами 15 та хона мавжуд бўлиб, шундан 1 та мажлислар зали, 1 та архив хонаси ва 1 та фуқароларни қабул қилиш хонаси замонавий мебеллар билан жиҳозланган. 2 қаватдан иборат бўлган кадастр бўлимининг замонавий биноси 2,8 млрд сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

Яна бир объектнинг очилиш маросимида иштирок этганлар "Энди Кўкдала туманидан ҳам олимпиада чемпионлари чиқишига асос солинибди" деб эътироф этишди. Сабаби, янги бунёд этилган универсал спорт мажмуасида ёшларнинг ўнлаб спорт тури билан шуғулланиши учун барча қулайликлар мавжуд. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида хизмат қилувчи ушбу спорт саройи 17,8 млрд сўм маблағ эвазига бунёд этилган.

Шу кунги очилиш маросими бўлиб ўтган янги ва замонавий "Маънавият маркази" ҳам туман аҳлига қўшмақ бўлган кайфиятини улашди. Ушбу ёшларнинг сеvimли маскани 6,2 млрд сўм маблағ эвазига ишга тушди. 2 қаватли бу



марказда кўзни қувнатувчи замонавий кутубхона, хотин-қизлар учун касбий ва ёшларнинг билим олишлари учун турли тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Маълумот учун, ушбу биноларни замонавий талаблари даражасида қуриш учун 36 млрд сўм маблағ ажратилди. Туманда бу каби бунёдкорлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Албатта, янги тумандаги улкан ўзгаришлар фуқаролар, айниқса, ёшларда кўтаринки кайфият уйғотди. Кўкдалаликлар азалий орузи ушлаиб, алоҳида туман сифатида ажралиб чиққанидан бир марта суюнган бўлса, саноксиз ўзгаришлардан юз қарра суюнишмоқда. Кейинги икки йилда амалга оширилган ушбу бунёдкорлик ишлари аҳолининг бугундан рози бўлиб, эртанги кунга умид билан қадам ташлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

# СамДУ янада кенгаймоқда

Самарқанд шаҳри ҳудудларида бошланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Натижада замонавий иншоотлар кўпайиб, шаҳар қиёфаси янада гўзаллашиб, аҳолига қулайликлар яратилапти. Шундай қурилишлардан бири, Шароф Рашидов номидаги университетда қўшимча бинолар бунёд этилаётганидир.

Самарқанд давлат университетининг буюртмасига асосан, "Ekxpress proekt" хусусий корхонаси томонидан лаборатория ва факультет бинолари лойиҳаси ишлаб чиқилган. Тошкентдаги "Қурилиш кўча коллона – О17" маъмулият чекланган жамият тендер савдолари қолиби сифатида бош пудратчи этиб тайинландан сўнг, ўтган йили бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Жамият иш бошқарувчиси Учқун Турдиевнинг айтишича, бино беш қаватдан иборат бўлиб, қурилиш ишларига 120 нафар ишчи шартнома асосида жалб этилган. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Лойиҳа-смета ишлари лаборатория жиҳозлари билан биргаликда 8 миллиард 597 миллион сўмдан иборат.

Хуллас, мамлакатимизнинг нуфузли олий даргоҳларидан бири – СамДУда лаборатория ва факультетнинг янги биноси бунёд этиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. **Ўз мухбиримиз.**

# Обод бўлаётган Жиззах йўллари

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Йўллар қадимдан эл-юрт фаровонлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Шу маънода, халқимизда йўл қуриш энг савобли юмуш ҳисобланади. Негаки, йўлларни барпо этиш, абгор ва таъмирталаб ҳолатга келиб қолганларини қайта қуриш ва тиклаб соз ҳолатга келтириш орқали қанчадан-қанча одамларнинг узоғи яқин, машаққатлари осонлашади. Шунданми, соҳа ривожини доимо эътиборда. Замон шиддат билан ўзгараётган ва аҳолининг талабу эҳтиёжлари, истаклари тобора ортиб бораётган бир вақтда йўлсозлар ана шу масъулиятни ўз зиммасига олиб, ҳудудларимизни обод, йўлларимизни раван қилиб, аҳоли муаммоларини осонлаштиришга астойдил бел боғлашган.

Биргина 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида Жиззах вилоятидаги 57 та объектда жами 327,5 километр йўллари таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, утган вақт мобайнида амалда 150 миллион сўм маблағ сарфланиб, 327,6 километр йўллар белгиланган талаб ва меъёрлар асосида таъмирланди. Хусусан, 41 километр йўлларда цемент-бетон ишлари бажарилган бўлса, 150 километр асфальтлаштирилди. 136 километрлик тупроқ йўллар эса шағаллаштирилди.

Бундан ташқари, 13 миллион сўм маблағ эвазига 7 та кўприк таъмирланди ва қайта қурилди.

Айниқса, Жиззах шаҳрининг маркази Шароф Рашидов шоҳкўчасида бажарилган ишлар натижасида йўл инфратузилмаси яхшиланди. Марказий кўча кенгайтирилиб, йўл-транспорт ҳодисаларини камайитириш ва пидедаларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур иккита замонавий ерости йўллари қуриб битказилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда йўлсозлик ишлари кўлами ортиб, вилоятнинг қиёфаси тобора кўркамлашмоқда. Бу ишлар энг олис ҳудудларни ҳам қамраб олапти. Дўстлик тумани маркази билан Бунёдкор маҳалласини боғловчи йўлларнинг барпо этилганга ярим асрдан ошган бўлсада, ўтган вақт мобайнида фақатгина



ямаш ишларини эътиборга олмаганда, бу йўлларда қурилиш ишлари умуман бажарилмаган. Йўллар ўтиши билан асфальт қопламасининг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани транспорт қатновини оғирлаштириб, уйдим-чуқур йўллар фуқароларга ҳам, транспорт эгаларига ҳам ташвиш туғдираётган эди.

Жорий йилда муаммо ҳал этилди. Умумий узунлиги 14 километрни мазкур йўлда йўлсозликдаги илғор технологиялар қўлланилгани ҳолда, қурилиш ишлари олиб борилди. Бунинг учун давлат томонидан 15,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Биргина мазкур йўлга асфальт қопламасининг ётқизиши натижасида Дўстлик ва Арнасой туманидаги 24 минг аҳолининг мушқули осонлашди.

Шунингдек, 22-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар асосида Дўстлик тумани

# ТУРКИЯ ТААССУРОТИ – ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йилнинг 8 ноябрида "Архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-416-сонли қарори имзоланган эди. Ушбу қарорга асосан, бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Қолаверса, президентимиз ташаббуси билан юртимиз қурилиш соҳаси учун керакли кадрларнинг катта қисмини еттиштириб берувчи – Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетларига турк мутахассислари ректор сифатида тайинлангани ҳам бежиз эмас. Бундан кўзланган мақсад – дунёнинг энг яхши тажрибаларини юртимиз бунёдкорлигида қўллаш, ўсиб келаётган кадрлар салоҳиятини янада ошириш эди.



Шу мақсадда архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илгор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида Истанбул ва Илдииз техника университетлари ҳамда бошқа нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатish вазифалари белгиланган.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида яқинда СамДАКУ ректори Чидем Туркийилмаз бошчилигидаги делегация аъзолари Туркияда хизмат сафарига даъват бўлиб қайтишди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ИБроҳим Абдурахмоновнинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу хизмат сафарига университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари Туркиянинг бир қатор олий таълим муассасалари билан ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар. Жумладан, сафар давомида Илдииз техника университети ва университет техно-

парки, Фотих Султон фонди университети, Истанбул Култур университети, Гебзе техника университети "Туркий давлатлар ташкилоти"нинг бош офиси "Тубитак"нинг Мармара илмий маркази ҳамда "Битташ" Истанбул шаҳар бош режалаштириш марказларига таширлар уюштирилди.

– Ушбу хизмат сафаридан кўзланган асосий мақсад, икки томонлама ҳамкорлик лойиҳалари, академик алмашинув дастурлари ва келгусидаги истиқболли режаларни муҳокама қилиш эди, – деди университет ректори Чидем Туркийилмаз. – Ташриф давомида Туркия олий таълим муассасаларининг факультетлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, кампуслардаги smart-аудиториялар ва қурилиш молларини ишлаб чиқариш соҳасига алоқадор лабораторияларни кўздан кечирдик. Шунингдек, бу борада бажарилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари, шартномалар, илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ишлари, ахборот-ресурс марказлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик.

Бундан ташқари, сафар давомида қатор келишувлар ҳамда ҳамкорлик алоқа-

ларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга эришилди. Жумладан, Фотих Султон Меҳмед фонди университети раҳбарияти билан ўқув, илмий ҳамда маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. "Тубитак" Мармара илмий маркази лабораторияларида оқова суварини тозалашнинг замонавий усуллари, иссиқликка чидамли материалларни тайёрлаш, водороддан энергия олиш мақсадида фойдаланиш, қурилиш материаллари, бетон ва асфальтбетоннинг янги намуналарини тайёрлаш буйича университет ректори тақлифига асосан марказ ҳамда СамДАКУ ҳамкорлигида мунтазам равишда лойиҳалар олиб боришга келишиб олинди.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети билан Туркиянинг Илдииз ва Гебзе техника университетлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари муҳокама қилиниб, ректорлар томонидан икки томонлама меморандумлар имзоланди. Ушбу меморандумлар келажакда университетлар ўртасида барча йўналишлардаги самарали ҳамкорликни амалга ошириш

учун асос бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Делегация аъзолари Истанбул шаҳрининг тарихий ва гузал қисмида жойлашган "Туркий давлатлар ташкилоти"нинг бош офисида ҳам бўлдилар. Ташкилот бош котиби ўринбосари Умер Кочаман Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилаётганлиги, университетнинг халқаро тажрибалар асосида трансформация қилиниши буйича амалга оширилаётган ишлар келажакда бошқа олий таълим муассасаларига намуна бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Музокараларда Чидем Туркийилмазнинг университетни "Туркий университетлар иттифоқи"га аъзо қилиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

СамДАКУ мутахассисларининг сафари "Илдииз Технопарки"га уюштирилган ташир билан ақунланди. ПҚ-416-сонли қарорда университетда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш буйича қўллаб-қувватлаш бўлиб чора-тадбирлар белгиланган. Айнан шу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида университетда фаолиятни бошлаган "Инкубация маркази" ҳамда "Технологиялар трансфери офиси"ларининг ишини халқаро тажрибаларга асосан ташкил қилиш буйича "Илдииз Технопарки"нинг масъул ходимлари ва мутахассислари билан учрашув ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда технопарк 700 га ақин корхона ва "Start Up" фаолият олиб бораётган бўлиб, уларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 17 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Технопаркда жойлашган корхона ва "Start Up"ларнинг офисларига бўлган саёҳат делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, делегация аъзолари Туркияга ташир давомида ўрганган тажрибаларини келажакда СамДАКУда қўллаб, уни янада ривожлантиришга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

## СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР

# Болажонлар "Зангори олов" оромгоҳида

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизнинг ҳар бир вилоятида болаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун турли оромгоҳлар хизмат кўрсатади. Улардан бири, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган замонавий кўринишдаги "Зангори олов" дам олиш масканидир.



Яқинда "Худудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали ходимларининг фарзандлари ушбу дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди. Бу ерда болалар маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга, интеллектуал салоҳиятини ҳам ривожлантириб, турли йўналишларда билимларини тажрибали педагог-ҳодимлар томонидан мустаҳкамлашди.

"Зангори олов" оромгоҳи Сирдарё вилоятдан 50 нафар болажонни қабул қилди. Ун икки кун давомида улар қизиқарли ва мазмунли режа асосида дам олишди. Болалар ётоқхонаси барча жиҳозлар билан таъминланган. Футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, сузиш ҳавзаси ҳам мавжуд. Қолаверса, спортнинг стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун махсус жойлар ҳам шай ҳолатда. Кечки салқинда кичик мусобақалар ўтказилди. Маданий тадбирлар учун ёзги амфитеатр, адабиётга бой кутубхона ҳам бор.

# Ноқонуний қурилмалар бузилмоқда

Янгиер шаҳридаги Фазилат ва Обод юрт маҳаллаларида жойлашган кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи мулкдорларни қийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, жойида бартарар этиш чоралари кўрилмоқда.



Хусусан, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи мулкдорлар ҳамда тадбиркорларга ўзбошимчилик билан қуриб олинган қўшимча қурилишлар юзасидан огоҳлантириш берилди.

## «4 sonli Montaj Boshqarmasi» АЖ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"4-sonli Montaj Boshqarmasi" акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари буйича акциядорлар йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 18 июль кунин соат 11.00 дан бошлаб Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТашГЭС кўчасидаги "4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ биносининг мажлислар залида ўтказилди.

**Маълумот учун телефон:** 71-230-33-41.  
Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланди.  
**E-mail:** gakuzaom4@mail.ru

#### КУН ТАРТИБИ:

- Умумий йиғилиш регламенти ҳамда санок комиссия сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият ижроия органи томонидан кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимлар (битимлар)ни тузишни маъқуллаш.
- "4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 27 июль ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 12 июль ҳолатига шакллантирилди.
- Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.
- Акциядорлар, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар тўғрисидаги ҳужжат ва маълумотлар билан "4-sonli Montaj Boshqarmasi" акциядорлик жамиятининг маъмурий биносиди соат 10.00 дан 14.00 гача танишишлари мумкин.
- Қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТашГЭС кўчаси, "4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ.  
**E-mail:** gakuzaom4@mail.ru  
**Тел.:** 71-230-33-41.

11. Жамиятнинг 2023 йил молиявий ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

12. Жамият ижроия органи томонидан кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимлар (битимлар)ни тузишни маъқуллаш.

"4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 27 июль ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 12 июль ҳолатига шакллантирилди.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТашГЭС кўчаси, "4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ.  
**E-mail:** gakuzaom4@mail.ru  
**Тел.:** 71-230-33-41.

"4-sonli Montaj Boshqarmasi" АЖ  
Кузатув кенгаши.

## Правительство Республики Узбекистан

получило кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Ремонт и строительство мостов (водопропускные сооружения) на территории МСГ "Рохат" Мархаматского района	MOEI-RIDP-AND-CS-40	70 115 000	90

### Инжиниринговая компания "СЕЗ" Андижанского областного хокимията (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендер-

ной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 330 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Андижанской области по следующему адресу: г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106) не позднее 16.00, 19 июля 2023 года.

#### Подача предложений:

- заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;
- цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС;
- крайний срок подачи заявок – 19.07.2023 года, 16:00;
- адрес для подачи заявок:

Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Андижанской области по следующему адресу: г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106).

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топловдиев.

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

# Кўҳна обидада бунёдкорлик ишлари қизғин

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Муслмон оламидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Хўжа Абду Дарун мажмуасидир. Ҳозиргача бу мавзе хусусида маълумотлар илмий адабиётларда жуда кам. Фақатгина Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" ва Абул Ҳасим Самарқандийнинг "Қандия" асарларида бир қанча маълумотлар келтирилган. Уларда таъкидланишича, Хўжа Абду Даруннинг насл-насаби ҳақида бирор маълумот мавжуд эмас.

"Самария"да қайд этилишича, Хўжа Абду Даруннинг асл исми Муъизуддин бўлиб, Хўжа Муҳаммад Якубнинг фарзанди, у эса Хўжа Абду бин Усмоннинг ўғлидир. "Қандия" муаллифи эса алломанинг келиб чиқишини пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизи Руқия билан боғлайди. Аммо ҳар иккала муаллифнинг ҳам маълумотлари саҳиҳ эмас.

Бу улуг инсон Самарқанднинг илк тасавуф намояндасидан бири, олим ва қозидир. Олим сифатида тасавуф илмини тўплаган бўлса, қози сифатида халққа адолат кўрсатган. Ул зотнинг обрўси ниҳоятда юксак бўлган. Турли замонларда яшаган улуг инсонлар ул зотга иҳлос ва эътиқод қилишган. "Қандия"да келтирилишича, "Ҳазрати Шайх Абу Мансур Мотуридидий айтган эканларким: бизни вафотиниздан кейин Ҳазрати Ҳожа Абду Даруннинг яқинларига дафн этингим, ул киши ярим фарсах ергача атрофдагиларни ўз химоя-

ларига олиб шафоат қилурлар ва биз ул кишининг шафоатларидан маҳрум бўлиб қолмайлик".

Мана шу фикрдан икки муҳим ҳулоса келиб чиқади: биринчидан, Хўжа Абду Дарун чиндан ҳам улуг инсон эканлиги аён бўлади. Зеро, Шайх Мотуридидий каби улуглар у кишининг шафоатларига муҳтож экан, иккинчидан, ул бузруквор кўмилган қабристоннинг қадимийлиги, яъни, у Шоҳи Зинда қабристонидан ҳам қадимийроқдир.

Манбаларда кўрсатилишича, аллома 861 йилда вафот этган. Қайд этмоқ лозимки, ўша даврларда кўплаб машҳур зотларнинг вафот этганларидан кейин ўз боғларига кўмилиши одат бўлган. Маъмуадаги жоме масжиди XII асрда барпо қилинган ва унга тегишли кичик макбара шу даврда бунёд этилган. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек бошчилигида қишлоқ макбара қурилган. XIX асрга келиб эса



ҳашар йўли билан хонақоҳ бунёд этилган. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган масжид манзилни кўпчилик самарқандликлар яхши билишади. У шаҳарнинг "Халифа Иброҳим" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Садриддин Айний кўчаси, 21-уйда жойлашган. Собик иттифоқ пайтида Абу Дарун зиёратгоҳи қаровисиз иншоотга айланиб қолганди. 2019 йилга келиб, бу жойда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари

бошланди. Бугунги кунда 7 минг ўринли янги масжид биноси қад ростламоқда ва атрофи девор билан ўралган. Ҳовли ўртасида айлана шаклда ҳовуз бўлиб, унинг четларида ўша даврда экилган тўртта катта чинор дарахти теварак-атрофга файз бағишлаб турибди. Ушбу гушадаги минора ҳам замонавий услубда қайта тикланаётгани диққатга сазовор. Масжиднинг ташқари томонида "Хўжа

Абду Дарун" қабристони мавжуд бўлиб, бу қадамжода ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Зиёратгоҳнинг олд қисмидан ўтган Садриддин Айний кўчаси ҳам бугун кўркам қиёфага кирган. Масжид худудида 13 та доимий кузатув камераси ўрнатилган. Ҳуллас, кўҳна обидада зиёратчилар учун етарлича шароит яратиш мақсадида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.



## ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ ҲАМ ГАЗ БАЛЛОН БИЛАН ТАЪМИНЛАНАЯПТИ

Азиз МАШРАБОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Олтинсой туманидаги сўлим тоғ кўйида Хўжаипок маҳалласи жойлашган. Ушбу маҳаллада 585 та суюлтирилган газ истеъмолчиси бор. Бу қишлоқни экотуризмнинг яна бир намунасига ўхшатиш мумкин. Бу ерга биринчи мартаба келган инсон мусофаго табиатнинг гўзаллигидан завқланиб, одам оёғи етмаган тоза ёввойи йўлақлар бўйлаб сайр қилиш билан бирга, шифобахш булоқларидан баҳра олиши, унинг ажойиб тарихини ўрганиши мумкин!

Иш юзасидан воҳанинг турли ҳудудларида бўлаемиз, содда ва самимий одамлар билан суҳбатлашамиз. Уларнинг ҳаётию, ҳавосидан баҳра оламиз. Айниқса, газ баллон ортланган машина келганда ана шу олим ҳудудларда яшаётган ҳамюртларимизнинг қувончини кўриб, қалбдан қанчалик яқин эканлигини ҳис қилаемиз. Айни пайтда шундай олим қишлоқлардан 56 тасига суюлтирилган газ

баллонлари етказилмоқда. Бу ҳудудлар вилоят марказидан 200, 250, 270, 320 км узоқ масофада жойлашган.

"Худудга Сурхондарё" газ таъминоти филиали ходимлари томонидан қанчалик машаққатли бўлмасин, ҳар қандай оби-ҳаво шароитида ҳам олим, тоғли ва чегара ҳудудларига ўз вақтида суюлтирилган газ баллонлар етказиб берилмоқда. Бундай эзгу ишларнинг замирида

"Инсон қадри" деган эзгу тамойил бор, албатта. Бугун бу тамойил газ таъминоти соҳасида ўз аксини топмоқда.

– Ҳар гал газ баллон олган истеъмолчининг кўзидаги қувончини кўрган-да, йўлда чеккан барча чарчогимни унутаман, – деди "Олтинсойтумангаз" газ таъминоти бўлими ҳайдовчиси Нозимиддин Аҳмедов. – Кўп ҳолларда тоғли қишлоқлардан ярим тунда қайтишга тўғри келади. Аммо хафа бўлмаймиз, аксинча, олим ва чекка ҳудудларга ҳам йил ўн икки ой бирдек эътибор қаратилаётганидан фахрланамиз.

Газ таъминоти идораси ходимлари яқин қадрдондек бўлиб қолган истеъмолчиларига суюлтирилган газ баллонларини тарқатаётган вақтда уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик. Яшаш шароитлари, кечаги ҳаёт билан бугунги турмушининг фарқи, тоғ одамларининг кайфияти билан қизиқдик.

– Турмушимиз йилдан-йилга ўзгариб, ҳаётимиз ўзгача мазмун билан бойимокда, – деди Хўжаипок маҳалласида яшовчи ҳамюртимиз Исмомиддин Муҳиддинов. – Бундан 5 йил илгари қишлоғимизни суюлтирилган газ билан таъминлашини хаёлимизга ҳам келтирилмас эдик. Овқат пишириш, чой қайнатиш учун ҳам тоғларга чиқиб, ўтин йиғар эдик. Қишининг совуқ кунларида аёлларимиз ҳар кун ўчоққа ўт ёқиш билан овоза бўлар эди. Буни қаранглик, газ баллон дегани, ҳузурли жон экан. Қишининг куни ҳам овқат тайёрлаш ёки чой қайнатишни ўйлаб ўтирмаймиз. Энди тоғ арчалари ҳам кесилмаяпти. Чунки, бунга эҳтиёж йўқ.

Бир сўз билан айтганда, узлуксиз равишда суюлтирилган газ етказилаётган қишлоқларда яшовчи халқимизнинг хурсандчилиги бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.



## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондиди бошқармиш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Азизбек Мирзаханов**, Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ҳамда ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Ҳусан Ибрагимов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Дўстбек Рўзимов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК маслаҳатчиси **Олимжон Юлдашев**, етакчи мутахассис **Азизбек Искандаров**,

"Ташгипрогор" АЖ 3-сонли архитектура-қурилиш сектори архитектори **Нигора Джалилова**, Иситиш, шомоллатиш ва совутиш сектори бош муҳандиси **Мадина Хайрутдинова**, Лойиҳани автоматлаштириш сектори 1-тоифали муҳандиси **Лутфулла Қулахнатов**,

Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Зафарбек Абдураҳмонов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги хўжалик ҳисобчиси **Ҳанида Юсупова**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ижро назорати бўйича инспектори **Шухрат Дўнгалов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хўжалик мудири **Аманкелди Талайбаев**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Павел Нитс**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ахборот коммуникация технологиялари бўйича мутахассиси **Неъматжон Раҳимжонов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи **Санжар Турдибаев**, бош мутахассис **Нодиржон Ғулонов**, етакчи мутахассис **Аброр Абдуллаев**,

Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги "Қўрғонтепа уй-жой коммунал сервис" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Алишер Ҳошимов**,

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги "Тулистон қўрғон барака қурилиш монтаж" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шерали Паноев**,

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги "Янгиобод тех хизмат БСТ" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Муҳаммад Нормуродов**,

Навоий вилояти, Кармана туманидаги "Nihol Kommunal Grand Servis Bsk" МЧЖ бош директори **Феруз Уматов**, Қизилтепа туманидаги "Идеал Коммунал Хизмат" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Махсуда Муродуллоева**,

Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги "Темурбек-Файз-Қурилиш-Таъмирлаш-Сервис" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Гулчехра Турдибоева**, Оқолтин туманидаги "Оқолтин таъмирлаш қурилиш сервис" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Нилуфар Сирождидинова**,

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳридаги "Mustaqil Ideal Boshqaruv Servis Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Раъно Асророва**, Янгийўл туманидаги "Жавоҳирхўжа Шохсарой" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Ноҳира Акбарова**, Тошкент туманидаги "Obod Ta'mir Xizmati Boshqaruv Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Бахтиёр Шакиров**,

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги "Gulobod Shayxontohur Professional Boshqaruv Kompaniyasi" бош директори **Анвар Бадалов**, Яккасарой туманидаги "Barakasago" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Тоҳир Агамов**ларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятлов, Давронжон Адиллов, Жалол Арашов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элюмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

### ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**  
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**  
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**  
Мусахҳиҳ **Марҳамат Муслмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЫДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК, «ЎшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.  
**Телефонлар:** 71-234-47-18 (қабулхона), 71-234-47-19 (таҳририят), 71-234-47-20 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 99-731-17-40.  
**Навоий вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Ғ-737.  
1382 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.  
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишича «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Агамбердиев.

Ўза якуни – Топшириди – 22.00.